

Муаллифнинг илк китоби

Марямхон РАХМОНОВА

# ЧИРОЙЛИГИМ

*шеърлар*

MAJBURIY  
NUSXA



ТОШКЕНТ – 2013

84(59)7 - Муъ. адаб.

УЎК: 821.512.133  
КБК: 87.3(5Ў)  
М37

**Раҳмонова, Марямхон**

Чиройлигим : ( шеърӣ тўплам ) / М.Раҳмонова.  
-Т.: DIZAYN-PRESS, 2013. - 32 б.

УЎК: 821.512.133  
КБК: 87.3(5Ў)

*Марямхоннинг шеърлари ўзига хос, жозибали ва самимий. Унинг қалб тугёнлари мисраларга жо бўлиб, инсонларни эзгулик ва яхшилик сари чорлайди, Ватанни, юртни севишга, қадрлашга чақиради.*

*Ўйлаймизки, гўзал мисралардан тузилган қўлингиздаги мазкур шеърӣ гулдаста шеърӣят шайдоларига муносиб тухфа бўлади.*



**Наширга тийгўловчи: ДИЛДОРА АСАДИЛЛО КИЗИ** – шоира.


**Тақризчи: НАБИЖОН ҲОШИМОВ** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, адиб.

ISBN 978-9943-20-166-8

НО 41930  
0

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти. 2013

© Марямхон Раҳмонова



### **ФАРҶОНАМ...**

Юзидан ҳам иссиқ ширмой нонлари,  
Ифори димоқни қитиқлар гўша.  
Соддадил, боладек тез ишонувчан,  
Меҳмондўст, меҳнаткаш инсонлар ўша.  
Фарғонам...

Умидсизга умид берар ҳар куни,  
Меҳрибон онадек кучоқ очади.  
Айвонига осса тол беланчақлар,  
Борлиқдан ҳар ёнга армон қочади.  
Фарғонам...

Меҳр остонаси тиллоларга тенг,  
Таърифлашга сўзлар топилмайди-я!  
Ҳеч қайси юрт улкан тандирларида,  
Бизнинг ширмой нонни ёполмайди-я!  
Фарғонам...

Сўлим боғларининг файзи бўлакча,  
Гўзалликка қараб қувнайди кўзлар.  
Меҳмонжонлар келса хонадонига,  
Жонни олай дейди дилрабо сўзлар.  
Фарғонам...



## ЮРТИМ

Ҳар дам фарзандини ўйлар юртим-а,  
Бугун кошонангда тўйлар, юртим-а.  
Юрак меҳри ила сўйлар юртим-а,  
Бор бўлсин-ей. дала тўлган ризқ, донинг,  
Қуёшга ўхшайди иссиқ ҳар нонинг.

Ўзгача сеҳр бор ҳар япроғингда,  
Шод-хуррам ўсяпман кенг қучоғингда.  
Зувалам қорилган зар тупроғингда,  
Элим, тўлиб-тошсин далада донинг,  
Қуёшга ўхшайди иссиқ ҳар нонинг.

Меҳнатин ҳосили мўл бўлса ғалла,  
Деҳқонинг қувониб айтади ялла.  
Ўшал бахтли ондир — энг гўзал палла,  
Элим, тўлиб-тошсин далада донинг,  
Қуёшга ўхшайди иссиқ ҳар нонинг.

Зуваламни қординг зар тупроғингда...



## ИЗЛАЯПМАН

Исмингиз такрорлаб чарчади лабим,  
Бир бора кўрсайдим висолингизни.  
Ҳеч қачон ёдимдан чиқармасдим-а,  
Тортиниб қараган тимсолингизни.

Шошқалоқ юрагим шошаверади,  
Сўзларимга кирмай қолар гоҳида.  
Балки, излаганим ўтирар ана,  
Барқ уриб гуллаган бодом шоҳида.

Кезиб юргандир ё, олис осмонда,  
Тушиб қолса керак бир куни ерга.  
Топсам маҳкам қучиб оламан, албат,  
Унгача сиримни айтаман шеърга.

Кунлар, ойлар ўтди, кетидан йиллар...  
Нимадир кўзимни қамаштирди-я.  
Оҳ, хув ана, ўша мафтункор хилқат,  
Кетаётган йўлимдан адаштирди-я.

Адашганим йўғ-а, топдим, шекилли,  
Кўйиб юбормайман бахтимни албат.  
Нозик қўлларини тутиб оламан,  
Излаганим шудир — гўзал шеърият.

## ТАҚДИР МЕНИ СИЙЛАЙДИ

Тақдир мени сийлайди, бир кун,  
Орзу унар юрган йўлимда.  
Бахтсиз кунлар тугади, дея,  
Омад турар жажжи қўлимда.

Тақдир мени сийлайди бир кун,  
Йиғлоқ кўздан ёшлар тинади.  
Юзларимда қувонч порласа,  
Армонларим банди синади.

Тақдир мени сийлайди бир кун,  
Оппоқ бахтлар кулиб боқади.  
Ваъдасида туради албат,  
Бизнинг сойда шеърлар оқади.

Тақдир мен сийлайди бир кун,  
Хаста қалбнинг битар яраси.  
Кунлар ўтиб, ойлар келганда,  
Шеърим бўлар, шеърлар сараси.

Тақдир мени сийлайди бир кун!..



## **ЧИРОЙЛИГИМ**

Гўзалларнинг гузали,  
Шоирларнинг газали.  
Вафолининг ҳайкали,  
Чиройлигим.

Жаҳлдордир бетоқат,  
Эҳ, емайди ҳеч овқат.  
Исмига мос Садоқат,  
Чиройлигим.

Гар ранжисам овунчоқ,  
Юмшоққина ўйинчоқ.  
Жажжи синглим, қўғирчоқ,  
Чиройлигим.



## ОТАЖОНИМГА

Ўн саккиз минг олам аро танҳосиз,  
Бизни ардоқлаган меҳри дарёсиз.  
Мен учун ўзингиз буюк даҳосиз,  
Суянган тоғимсиз, меҳрингиз уммон,  
Бошимдаги тожим сизсиз – отажон!

Иссиқ саратондан асраб соядек,  
Айтган ўгитингиз гўё ғоядек.  
Сел келганда тўсиб қолган қоядек,  
Суянган тоғимсиз, меҳрингиз уммон,  
Бошимдаги тожим сизсиз – отажон!

Сиз ила гўзалдир бизга бу ҳаёт,  
Дуолар қилингиз бизни умрбод.  
Сиз билан ҳамиша кўнглимиз обод,  
Суянган тоғимсиз, меҳрингиз уммон,  
Бошимдаги тожим сизсиз – отажон!



## ОИЛАМ

Онам қулоғига таққан балдоқсан,  
Отам қўлидаги мўъжаз қалоқсан.  
Жажжи юрагимга малҳам, ардоқсан,  
Оилам.

Ёмондан асрайсан бўлиб кўзмунчоқ,  
Ранжиганда доим ўзинг овунчоқ.  
Ҳаётда бўлмагин илло ўйинчоқ,  
Оилам.

Қанча ниҳол ўсди меҳр боғингда,  
Оқибат яшайди сабр тоғингда.  
Бахтиёр улғайдим кенг кучоғингда,  
Оилам.

Бувим дуолари мудом менга ёр,  
Йиқилсам суянган суянч тоғим бор.  
Эзгулик ниҳоли унган боғим бор,  
Оилам!



## БУВИЖОНИМГА

Оби ҳаётим, чашма зилол,  
Бошимда чақнар нурли ҳилол.  
Дунёда энг меҳрибон аёл –  
Бувижоним.

Кувонч-ла ўтсин ҳар бир йили,  
Кӯёш тафтидан иссиқ дили.  
Дилозор сўзларни билмас тили,  
Бувижоним.

Хаёли орзу сари толар,  
Жажжи юракка умид солар.  
“Жоним болам” деб дардим олар,  
Бувижоним.

Кўнгли меҳрга бой дугонам,  
Мен учун самода ой – ягонам.  
Ёнимда юрсин ул парвонам,  
Бувижоним.



## **УЙЛАНТИРАМИЗ**

*(акамга ҳазил шеър)*

Гўзалларга қараб хаёл сурмайсиз,  
Энди сулувларни алдаб юрмайсиз.  
Йўлақда уларни кутиб турмайсиз,  
Онам топган қизга уйлантирамыз.

Қизларга ишқингда ўйга толдим, деб,  
Сира айтиб юрманг, севиб қолдим, деб.  
Сарпо йиғиб кўйдик гамингизни еб,  
Онам топган қизга уйлантирамыз.

Бир кўришда этар юрагингиз "жиз",  
Келинойим бўлар зўр пазанда қиз.  
Тўйингизда ўйнаб-қуламыз-да биз,  
Онам топган қизга уйлантирамыз.

Ўғлингизга ясаб берасиз қайиқ,  
Қизингизга совға қиласиз айиқ.  
Шеъримда ҳазил йўқ кулгуга лойиқ,  
Онам топган қизга уйлантирамыз.

Бўй йигит сафида турмайсиз энди,  
Қизлар билан суҳбат қурмайсиз энди.  
Бемаҳалда кезиб юрмайсиз энди,  
Онам топган қизга уйлантирамыз.

## ЁШЛИК

Ёшлик оқар дарёми?  
Сира ортга қайтмайди.  
Ё, адашиб қолганми?  
Манзилини айтмайди.

Ёшлик жажжи болами?  
Айтганидан қолмайди.  
Гапга кирмас шумтака,  
Ўйнаб сира толмайди.

Ёшлик ширин эртакми?  
Эзгу тилак кўп бўлган.  
Ёмонликка қўл урмай,  
Кувончларга дил тўлган.

Саволимга жавобни,  
Тополмадим сира ҳам.  
Гар билсангиз, дўстларим,  
Айтиб беринг менга ҳам.



## ШАМОЛЛАР

Дарахт япроғини тўккан шамоллар,  
Дийдангиз муздайин қотиб қолганми?  
Наҳотки, уларга келмас раҳмингиз,  
Ё, меҳр ўрнини қаҳр олганми?

Дарахт япроғини тўккан шамоллар,  
Кўрқоқ, қочоқ каби дайдиб келдингиз.  
Таклиф қилинмаган меҳмондек келиб,  
Ўлкамни дарғазаб кезиб елдингиз.

Дарахт япроғини тўккан шамоллар,  
Сиздан ранжимасин чаманда гул ҳам.  
Оппоқ қанотини оҳиста қоққан,  
Митти капалаклар кўрмасайди ғам.

Дарахт япроғини тўккан шамоллар,  
Кокилларин ташлаб турса мажнунтол.  
Наҳот, ҳавасингиз келмас уларга,  
Новдасин синдирмоқ – гуноҳдир, увол.

Дарахт япроғини тўккан шамоллар...



## КЕЛМАСАНГИЗ

Кўзёшлар шашқатор куйилади-я,  
Ён атроф дўзахдек туюлади-я.  
Маҳзун қовоқлар ҳам уйилади-я,  
Сизни кутганимда келмасангиз гар.

Ёлғизликдан азоб чекмоқда юрак,  
Ҳамон қалбда яшар энг эзгу тилак.  
Ҳаяжондан титрар бу нозик билак,  
Сизни кутганимда келмасангиз гар.

Сочимни тарайман аста бир ёнга,  
Дўстим деб айтаман сирым осмонга.  
Ҳеч қайтиб бормасман Кўқон томонга,  
Сизни кутганимда келмасангиз гар.

## СОФИНАМАН

Қанотингиз оппоқ бунчалар,  
Кўнглингизда йўқ сира ғубор.  
Чиройингиз кўрган ғунчалар,  
Ул соҳилдан ранжишлари бор.

Чин меҳрингиз садоқатга тенг,  
Вафоингиз ҳавас қилгудек.  
Гул қалбингиз уммонлардек кенг,  
Ичикканда ҳамроҳ бўлгудек.

Узун тунлар номингиз айтиб,  
Мени қийнар ҳаттоки тушлар.  
Бу дунёнинг тенгсиз гўзали —  
Соғинаман сизни оққушлар.

## ЮРАГИМНИНГ ЯҚИН ЎРТОҒИ

Сарғайибди рангинг бунчалар,  
Суянчингдан айрилдингми, айт?  
Ё, қисматинг аччиқ шунчалар,  
Ё, шамолдан қайрилдингми, айт!

Гар сўзласанг, сўзларинг – кўшиқ,  
Чиройингдан қалам ожиз-а?  
Гўзалликка таърифлар лолми,  
Оҳ, борлигинг буюк мўъжиза.

Йўлакчада учратдим сени,  
Гул қалбимнинг яқин ўртоғи.  
Кафтларимга кўнгин, кел энди,  
Беш қиррали чинор япроғи.



## ТАБАССУМ

Хафа бўлиб қолса-да,  
Кўзи йўлга толса-да.  
Қалбга олов солса-да,  
Кулиб яшар Табассум.

Ёлгончини суймайди,  
Ўзгаларга куймайди.  
Қовоғини уймайди,  
Кулиб яшар Табассум.

Эгмайди тик бошини,  
Чимирмайди қошини.  
Кўрсатмас кўз ёшини,  
Кулиб яшар Табассум.

Шаҳзодасин кутади,  
Орзуга гул тутади.  
Дардин ичга ютади,  
Кулиб яшар Табассум.



КЕТГИН ДЕМАНГ

(сарполаринг кам, дея қайнонасининг тазйиқига учраган  
келин тилидан ёзилган шеър)

Ўхшамайман Лайлига,  
Кетмам ҳижрон сайлига.  
Гадо бўлай, майлига,  
Кетгин деманг.


Бахт ўлчанмас бойликда,  
Чўнтакдаги ойликда.  
Борар жойим сойликда,  
Кетгин деманг.

Сарпога уй тўлди-ку,  
Йўқловлар хўп бўлди-ку.  
Аламдан дил сўлди-ку,  
Кетгин деманг.

Маъюс кўздан оқди ёш,  
Севгим тўсди харсанг тош.  
Майли, емай ёгли ош,  
Кетгин деманг.

Онангизга ёқмадим,  
Қушдек қанот қоқмадим.  
Қўй гўштида боқмадим,  
Кетгин деманг.

Қимматбаҳо жавонлар,  
Сизга тухфа ёмонлар.  
Қийнаб ўтар армонлар,  
Кетгин деманг...



## КЕЧИРМАЙМАН

Йиглоқ қалбим йиглайвермагин,  
Ич-этимни тиглайвермагин.  
Орзуларим доғлайвермагин,  
Кечирмайман, кечиролмайман.

Ёлғон эртак ўқийвермагин,  
Чўпчагингни тўқийвермагин.  
Юрагимни чўқийвермагин,  
Кечирмайман, кечиролмайман.

Меҳрибондек кўрсатар ўзин,  
Рости борми сўзлаган сўзин.  
Кўргим келмас музлаган кўзин,  
Кечирмайман, кечиролмайман.

Девонадек юравераман,  
Айбдордек туравераман.  
Сохта хаёл суравераман,  
Кечирмайман, кечиролмайман.

Дугонамни содда дебман-да,  
Ўз-ўзимни алдаб кебман-да.  
Заҳарли бир таом ебман-да,  
Кечирмайман, кечиролмайман.

Ташвишлар сийпалар сочин толасин,  
Ичга ютиб яшар қайғу ноласин.  
Кўзин қорасидек асрар боласин,  
Дунёда аёлдек улуғ зот борми?

Бағритошнинг дилин эритган ялла,  
Бешиклар ёнида айтилса, алла.  
Битга сўз тилларда янграр баралла,  
Дунёда аёлдек улуғ зот борми?

Оламни тебратар битга қўлида,  
Фаришта айланар ўнгу сўлида.  
Меҳр нурун сочар юрган йўлида,  
Дунёда аёлдек улуғ зот борми?

### СИРИМНИ СОТМАС МАЛАК

Мен ёқтириб қолдим ўшал малакни,  
Оғир кунда ҳамроҳ билдим ўзимга.  
Сирим айтар бўлдим ул юлдузимга,  
Мен ёқтириб қолдим ўшал малакни.

Оғир кунда сира ташлаб кетмайди,  
Қўлимни узатсам ҳеч ҳам етмайди.  
Ул гўзал сиримни сотиб кетмайди,  
Мен ёқтириб қолдим ўшал малакни.

Меҳрлар шуъласин сочар оламга,  
Қўриқчи бўлади ёлғиз даламга.  
Оймомо ўхшайди олтин қаламга.  
Мен ёқтириб қолдим ўшал малакни.

## ЁСТИҚ

Ўзгалардан ранжиб кетганда дилим,  
Ҳады этдинг-ку сен уйқуни тортиқ,  
Бошим силаб қалбга олов ёқгувчи,  
Ширин оромимсан азизим, ёстиқ.

Кечалари ҳамроҳ, энг яқин сирдош,  
Ҳа, сени кўрарман жонимдан ортиқ,  
Онамдек меҳрибон тафти илигим,  
Ширин оромимсан азизим, ёстиқ.

Дардимга дармон йўқ сендан бўлак ҳеч,  
Тошойнага айтсам, ойнаси қаттиқ,  
Бағринг дардларимга дармон дугонам,  
Ширин оромимсан азизим, ёстиқ.

Дарду аламларим ҳаддан ошганда,  
Ҳады этдинг ўзинг уйқуни тортиқ,  
Юмшоқ кафтгинангда силаб бошимни,  
Опамни эслатдинг азизим, ёстиқ.



## **КУТАМАН...**

Сенга шеър битаётган қўлларим толсин,  
Дилда армон сўзи музлаблар қолсин.  
Соғинтириш ўрнин соғиниш олсин,  
Кутаман...

Эҳ, юрганам сари тугамас йўллар,  
Ҳар кун хат ёзишдан чарчамас қўллар.  
Уммонга айлансин кўз ёшли қўллар,  
Кутаман ...

Бир куни келасан бахтингни излаб,  
Шикаста қалбимни мулойим сизлаб.  
Қасдимни оламан ярангни тузлаб,  
Кутаман...

Юргандирсан ҳозир шаҳарлар кезиб,  
Бир куни келасан шовқиндан безиб.  
Жилмайиб йиғлатай, юрагинг эзиб,  
Кутаман...



## УЗР

Бугун опам қалбин оғритдим ёмон,  
Азобдан қийналиб юрибман, мана.  
Гўё хаёлпараст девона бўлиб,  
Унинг қаршисида турибман яна.

Қаролмайман ўшал кўзларига ҳеч,  
Изтироб олови ёндиради-я.  
Юракни ўйгувчи ханжарлар гоҳо,  
Қийноқли сўзидан тондиради-я.

Сира айтолмайман кечирасиз, деб,  
Дардман ҳисларимдан кечолмаяпман.  
Ҳеч бўлмаса, ёлғиз хаёлимда ҳам,  
Фурурнинг либосин ечолмаяпман.

Бўлди, айбдордек юрмайман сира,  
Кўрқинчли тушларни кўрмайман буткул.  
Қаршисида турсам кечирим сўраб,  
Дилдан хониш айлар, чаманда булбул.

Илтимос, кечиринг, мени опажон!



## КАПАЛАК

Эх, дардимни ичга ютиб,  
Ичкиб қолди митти кўнглим.  
Ҳар тонг чаманда сени кутиб,  
Кўзлар излашдан толди, синглим.

Интизор қилдинг нега, бунча,  
Ё, соғинчимни сезмайсанми?  
Озор бердимми наҳот шунга?  
Энди гулзорда кезмайсанми?

Зўр гулларимни сенга бердим,  
Ёнимда доим юрсайди, деб.  
Қиш чилласида гуллар тердим,  
Атрофим яшнаб турсайди, деб.

Оҳиста ушлаб гул қанотинг,  
Қалбинг ранжитиб қўймасмидим.  
Гар узоқ бўлса гул ҳаётинг,  
Балки кўнглимни ўймасмидим.

Майин шаббода эсганида,  
Сендан меҳрибон йўқ, эй малак.  
Орзуни армон кесганида,  
Сени кутаяпман, гул капалак.

## ШЕЪР ЁЗОЛМАЙ ҚОЛЯПМАН

Ҳеч келмайди жавоблар,  
Сўроқлардан толяпман.  
Нима қилай дўстларим,  
Шеър ёзолмай қоляпман.

Чин дилдошни йўқотиб,  
Сирим ичга соляпман.  
Ҳеч бўлмаса тўрт қатор,  
Шеър ёзолмай қоляпман.

Азоблардан қийналиб,  
Қалам белин чаляпман.  
Бир ой бўлди сира ҳам,  
Шеър ёзолмай қоляпман.

Ҳеч келмайди жавоблар,  
Сўроқлардан толяпман.  
Қандоқ чидай, дўстларим,  
Шеър ёзолмай қоляпман.



## ТАНҚИДЛАРГА БОЙИМСАН

Дардларимни тинглаган,  
Осмондаги ойимсан.  
Хатолари қийнаган,  
Танқидларга бойимсан.

Ортга сира қайтмаган,  
Шарқираган сойимсан.  
Қофияни айтмаган,  
Танқидларга бойимсан.

Фишт бўламан деб юрган,  
Қолипдаги лойимсан.  
Бўғинларни еб турган,  
Танқидларга бойимсан.

Ипаклардан зиёда,  
Чиройлигим, шойимсан.  
Шахматдаги пиёда,  
Танқидларга бойимсан.

Ипга чизган маржоним,  
Чойнакдаги чойимсан.  
Бағри кенгим, уммоним,  
Танқидларга бойимсан.

Омадни ёз, бўл шеърим,  
Шеърятга шойимсан.  
Юздан оққан ҳўл терим,  
Танқидларга бойимсан.

## ИЛҲОМ ПАРИЛАРИ

Бугун қўлларимга солинди кишан,  
Қалбим зулмат нурин қаърида қолди.  
Илҳом парилари анчадан буён,  
Аразчи қизчадек аразлаб олди.

Ёқутдан ясалган эшигин очиб,  
Меҳр-ла ҳар куни таклиф қиларди.  
Ором бермас эди ҳатто тунлари,  
Кўнгил сиримни ҳам ўзи биларди.

Нимкосани коса қилган паризод,  
Қаламим юргизган сеҳргар ўзи.  
Марварид лаълдайин зарҳал сўзларда,  
Акс этиб туради гўзал юз-кўзи.

Кутяпман бир куни албат келади,  
Юракдан дардларим тўкиб соламан.  
Ҳеч қачон ёнимдан йироқлаштирмай,  
Бир умрга ҳамроҳ этиб оламан.



## КЎЗМУНЧОҚ

Мавзу тополмасдан юрдим қийналиб,  
Йўлимдан чиқмади илҳом сояси.  
Қаламимга туртки бўлди бир куни,  
Устозимнинг топиб берган ғояси.

Болаликдан ҳамроҳ бўлган мунчоғим,  
Ҳеч ҳам, хаёлимга келмапти, қаранг.  
Ахир сирдошимдан айрилиб анча,  
Ёлғизликдан бўлиб қолгандим гаранг.

Ўзгага бермасдан асраб-авайлаб,  
Тақиб юргандим-да нозик билакка.  
Омад келтирувчи омад калит деб,  
Боғлаб қўйган эдим улкан тилакка.

Қолганида кичик бўлиб қўлимга,  
Ният қилиб, ваъда бердим ўзимга.  
Орзулар қаноти кўзмунчоғимни,  
Совға қилиб берай бир кун қизимга.


## КЕЛИБ КЕТИНГ ОЛТИАРИҚҚА

Бахт боғига боғбон сайланди бугун,  
Қайғулар қувончга айланди бугун.  
Дилга улкан аҳдлар бойланди бугун,  
Бир бор келиб кетинг Олтиариққа.

Йўлингизга интиқ яхши одамлар,  
Кўпайиб бормоқда шаҳдам қадамлар.  
Барқ уриб гуллади боғда бодомлар,  
Бир бор келиб кетинг Олтиариққа.

Аста юзин очиб эркатой чинор,  
Баргларин остидан қарайди минг бор.  
Насиб этсин, дейди умидли дийдор,  
Бир бор келиб кетинг Олтиариққа.

Анҳорнинг ёнидан жой олай бугун,  
Мажнунтол бўлайин сочлари узун.  
Шарқироқ сой билан дўстлашай шу кун,  
Бир бор келиб кетинг Олтиариққа.



## ЯҚИН ДЎСТИМ

Дилдаги дардим сенга сўйлаб,  
Сиримга шерик қиламан-да.  
Уйқу келмаса тунда, дўстим,  
Кучоқ очишинг биламан-да.

Ҳаттоки яқин дугонанг ҳам,  
Айланиб қолган сингилчамга.  
Орзуларим деб аталган ном,  
Жойлаб қўйилган кўнгилчамга.

Нозик жуссанг маҳкам тутиб,  
Оғритгим келмас бошларингни.  
Юзингга чизиқ тўртавериб,  
Кўпайтирдим-а қошларингни.

Бахтли яшаймиз иноқликда,  
Биздан йироқдир аччиқ алам.  
Зеб бериб келар гўзалликка,  
Умрим мазмуни — қоғоз, қалам.



## ШЕЪРИМГА

*(Мақсуда Эргашева шеърига ўхшатма)*

Сиз нафис кўзмунчоқ каби тизилиб,  
Чиқдингиз армонлар деворин бузиб.  
Оҳ, юракдан оққан қон каби сизиб,  
Ҳали зўр шеър бўлиб тўқиладирмиз,  
Бир кун албат дилдан ўқиладирмиз.

Қоғозлар ичида ётиб чекманг ғам,  
Орзуларимиз ҳеч кимдан эмас кам.  
Бу дунёдан номсиз ўтиб кетсак ҳам,  
Ҳали зўр шеър бўлиб тўқиладирмиз,  
Бир кун албат дилдан ўқиладирмиз.

Ҳар бир сатримизда гўрдирмиз ҳали,  
Албат келар гўзал шеърларнинг гали.  
Маржондан қурилар ижод ҳайкали,  
Ҳали зўр шеър бўлиб тўқиладирмиз,  
Бир кун албат дилдан ўқиладирмиз.



## МУНДАРИЖА

Фарғонам.....	3
Юртим .....	4
Изляяпман .....	5
Тақдир мени сийлайди .....	6
Чиройлигим .....	7
Отажонимга .....	8
Оилам .....	9
Бувижонимга .....	10
Уйлантирамиз ( <i>акамга ҳазил шеър</i> ) .....	11
Ёшлик .....	12
Шамоллар .....	13
Келмасангиз .....	14
Соғинаман .....	14
Юрагимнинг яқин ўртоғи .....	15
Табассум .....	16
Кетгин деманг ( <i>сарполаринг кам, дея қайнонасининг тазйиқига учраган келин тилидан ёзилган шеър</i> ) .....	17
Кечирмайман .....	18
Аёл .....	19
Сиримни сотмас малак .....	19
Ёстиқ .....	20
Кутамаи.....	21
Узр .....	22
Капалак .....	23
Шеър ёзолмай қоляпман .....	24
Танқидларга бойимсан .....	25
Илҳом парилари .....	26
Кўзмунчоқ .....	27
Келиб кетинг Олтиариққа .....	28
Яқин дўстим .....	29
Шеъримга ( <i>Мақсуда Эргашева шеърига ўхшатма</i> ) .....	30

1800 с.м.

Марямхон РАХМОНОВА

# ЧИРОЙЛИГИМ

*шеърлар*

Масъул муҳар.: Шукур Жабборов  
Муҳаррир: Салима Бадалбоева  
Тех. муҳар: Наргиза Содиқова  
Дизайнер: Нодир Шарипов  
Оператор: Нигора Муҳитдинова

Теришга берилди 10.07.2013. Босишга рухсат этилди  
16.08.2013. Қоғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ  
гарнитураси. Нашр босма табағи 2,0. Шартли босма  
табағи 2,0. Адади 500 нусха. Буюртма №43.

Нашриёт лицензияси: АІ №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.  
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22 уй.  
Тел.: 8 (371) 255-34-28.*